

2019 йил якунига кўра Автомобиль йўллари қўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ


Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 йил амалда	2019 йил амалда	Ўтган йилга нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	3531,2	4233,9	119,9
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	686,5	1158,1	168,7
		км	96,3	101,4	105,3
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	392,2	415,8	105,7
		км	82,7	86,7	104,8
3	Минтақавий йўллارни таъмирлаш	млрд.сўм	909,6	1283,3	141,1
		км	6485,1	7543,4	116,3
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	1542,9	1376,7	89,2
		км	3252,0	3350,0	103,0
5	Янги ишжойларини яратиш	киши	1366	373	27,3
6	Қора металл чиқиндиларини топшириш	тонна	15981	15003	94,0

Қўмита тизимидаги корхона ва ташкилотлар 2019 йил давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 1158,1 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш

ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг худди шу даврига нисбатан 168,7 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 415,8 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга ошган.


2018-2019 йиллар якунига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси



2019 йил якуни бўйича Республикамиздаги 7543,4 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 551,5 км, Андижонда 584,6 км, Бухорода 485,3 км, Жиззахда 442,6 км, Қашқадарёда 588,5 км, Навоийда 504,7 км, Наманганда 553,4 км, Самарқандда 609,2 км, Сурхандарёда 626,7 км, Сирдарёда 437,5 км, Тошкент вилоятида 684,3 км, Фарғонада 540,4 км, Хоразмда 642,7 км ҳамда Тошкент шаҳрида 292,0 км минтақавий автомобиль

йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 116,3 фоизни ташкил этади.

2019 йил якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги диаграмма)



2019 йил давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 3350,0 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2018 йилга қараганда 103,0 фоизни ташкил этади.

Тизим корхонлари томонидан 2019 йилда 373 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2018 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 27,3 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2019 йилда 15003 тоннани ташкил этади. Бу эса ўтган йилга қараганда 94,0 фоизни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2019 йилда – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 4233,9 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 119,9 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.